*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚЎМИТАСИ,
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ БОШ НАШРИ

● 1991 йил 1 июнь ● шанба ●
№ 104 (10.100). Баҳоси 10 тийин.

## СССР ПРЕЗИДЕНТИ ҚОЗОҒИСТОНДА

ОЛМАОТА, 30 май. (ҚозТАГ ва ТАСС махсус мухбирлари). Бугун М. С. Горбачев Қозоғистон пойтахти — Олмаота билан таниша бошлади. Эрталаб СССР Президенти В. И. Ленин ҳайкали пойига гуллар қўйди. Бу ерда уни шаҳар аҳолиси самимий қутлади. Марказий майдонда фахрийлар, ёшлар билан республиканинг бугунги ташвишлари, мамлакатдаги аҳвол хусусида суҳбатлашилди.

Шундан кейин Михаил Сергеевич Олмаота ип-газлама комбинатининг жамоаси билан учрашди.

• • •

Кечқурун М. С. Горбачев Москвага жўнаб кетди. Аэропортда уни Н. А. Назарбоев, Қозоғистон Олий Кенгашининг раиси Е. М. Асамбоев, Қозоғистон ССР Бош вазири У. К. Караманов ва жумҳуриятнинг бошқа раҳбарлари кузатиб қолдилар.

## ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ

**Чиноз райони кумуш тола ижодкорлари Тошкент вилоятида биринчи бўлиб давлатга пилла сотиш планини бажардилар. Улар режадаги 139 тонна ўрнига 140 тонна пилла топшириб, вилоятда ҳозиргача уюлган минг тонналик хирмонга муносиб улуш қўшдилар.**

Райондаги барча хўжаликлар пилла мавсумига пухта тайёргарлик кўрди. Бунинг самараси ҳозирдаёқ кўзга яққол ташланмоқда. Мутахассислар етиштирилган бу йилги ҳосил толаси сифатли ва бўлиқ эканлигини эътироф этишмоқда.

«Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» жамоа хўжалиги 21,4 тонна ўрнига 24 тонна, «Октябрь 40 йиллиги» жамоа хўжалиги 10 тонна ўрнига 11 тонна, Энгельс номли жамоа хўжалиги 4,5 тонна ўрнига 5 тоннадан ортиқ пиллалари билан чинозликлар хирмонига барака киритдилар. Пилла терими давом этмоқда.

Вилоятдаги Оққўрғон, Янгийўл, Ғалаба районлари ҳам маррага яқинлашиб қолишди. Оҳангарон, Бўстонлиқ, Коммунистик районларида эса бу иш кун сайин авж олдирилмоқда.

**ЎзТАГ мухбири.**

● *Бугун—болаларни ҳимоя қилиш халқаро куни*



**Келажагимиз бўлган болаларни ҳимоя қилиш халқаро куни ҳар йилгидек алоҳида меҳр билан нишонланяпти. Мазкур кунга бағишланган мақола ва суратлар билан рўзноманинг 4-саҳифасида танишасиз.**

## *Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг* ФАРМОНИ

### РЕСПУБЛИКА ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИНИ ОВҚАТ УЧУН ДОН (БУҒДОЙ) БИЛАН ТАЪМИНЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРАЛАР ТЎҒРИСИДА

Республика қишлоқ аҳолисини овқат учун дон (буғдой) билан таъминлашни янада яхшилаш ва шахсий ёрдамчи хўжаликларда ғалла етиштиришни кўпайтиришни рағбатлаштириш мақсадида:

1. Республика жамоа хўжаликлари ва давлат хўжаликларига 1991 йилда етиштирилган дон (буғдой) ҳосилининг ортиқчасини ғалла ўрими учун натура ҳолида тўловга қўшимча равишда ҳар бир қишлоқ оиласига, жумладан, пенсионерлар, врачлар, ўқитувчилар ва аҳолининг бошқа тоифалари оилаларига камида 100 килограмм дон (буғдой) сотишга рухсат этилсин.

2. Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси ушбу фармонни амалга оширишга доир қарорни қабул қилсин унда:

— шахсий ёрдамчи хўжаликларда ғалла етиштиришни кўпайтиришни рағбатлантириш чоралари тизмаси;

— ортиқча дон (буғдой)ни вилоятлар ўртасида қайта тақсимлаш;

— Қорақалпоғистон МССР Вазирлар Кенгашига ва вилоят ижроия комитетларига ортиқча дон (буғдой)ни районлар ўртасида қайта тақсимлаш ҳуқуқини бериш кўзда тутилсин.

**Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1991 йил 31 май.

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, МУАССАСАЛАР, ЎҚУВ ЮРТЛАРИ, ШИРКАТЛАР, ЖАМОА ВА ШЎРО ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР

**ДИҚҚАТИГА!**

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» РЎЗНОМАСИДА ТИЖОРАТ ВА ЭЪЛОНЛАР БЎЛИМИ ИШ БОШЛАДИ.

**АГАР СИЗ ЎЗ МАҲСУЛОТИНГИЗНИ ХАРИДОРГИР БЎЛИШИНИ, ЎҚУВ ЮРТИНГИЗГА ҚАБУЛ ҲАҚИДАГИ БИЛДИРУВНИ, ТУРЛИ ХИЛ ТАНЛОВЛАР ЎТКАЗИШНИ РЕЖАЛАШТИРГАН ЁКИ ХЎЖАЛИГИНГИЗГА БИРОР НИМА СОТИБ ОЛМОҚЧИ ВА СОТМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ, ЯҚИН ҚИШИЛАРИНГИЗНИНГ ТУҒИЛГАН КУНИ, «ОЛТИН» ВА КУМУШ» ТЎЙЛАР, ЮБИЛЕЙЛАР МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАБРИКЛАШНИ ИСТАСАНГИЗ РЎЗНОМАМИЗГА БЕМАЛОЛ МУРОЖААТ ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН.**

**ХИЗМАТИНГИЗГА ДОИМ ТАЙЁРМИЗ!**

Бунинг учун бизга ҳисоб-китоб рақамингиз қайси (шаҳар, район) банкида туриши ёки банк коди аниқ қилиб ёзилган корхона, муассаса, хўжалик раҳбарлари, бош ҳисобчилари имзоси бўлган кафолот хати ва эълон матнини юборсангиз бас.

**МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000. Тошкент ГСП. Ленинград кўчаси, 32-уй. «Тошкент ҳақиқати» муҳарририяти. Телефонлар: 33-48-08, 32-53-53, 32-57-33, 32-57-50.**

*● Қадриятларимизни унутмайлик ●*

# ТЎЙ ҚИЛИШ, ОИЛА ҚУРИШ ОДОБИ

ЎРТА Осиё халқлари учун муқаддас бўлган урф-одатлардан бири шуки, улар ўз фарзандлари вояга етгач, уйли-жойли қилиш ҳаракатига тушадилар. Бунинг учун фарзанд туғилган вақтдан бошлаб ота-оналар ўзларини кўп хил ноз-неъматлардан маҳрум қилиб бўлса ҳам, гоҳо емай-ичмай, фарзанднинг келажакдаги тўйи учун пул ва ашё жамғарадилар. Фарзандини уйлаш учун бундай даражада ғамхўрлик қилиш албатта жуда савоблик ишдир. Чунки Расулуллоҳ (саллоллоҳу алайҳи вассаллам): Кимки уйланса ўз диёнатининг ярмини мустаҳкамлаган бўлади ва қолган ярмини ўзи эҳтиёт қилсин, деганлар. Ва яна: «Кимгаки Оллоҳ учта қиз фарзанд берган бўлса, уни тарбия қилиб узатса, ўша кишига дўзах ўти ҳаром» дедилар. Оллоҳга минг қадар шукрки, Ўрта Осиё халқлари замонлар ўта, мана шу ҳадисга мувофиқ фарзандларини вақтида уйлантиришдек шариатнинг муҳим буйруғини оғишмай бажариб келмоқдалар ва бу борада дунёдаги кўп халқлар, шу жумладан, мусулмон халқлар ичида ҳам алоҳида ўрин эгаллаб турибдилар.

Уйланиш ва оила қуришни Оллоҳ Таоло Қуръони каримда барча мусулмонларга фарз қилади ва уни ўзининг улуғ неъматларидан деб ҳисоблади. Оила қуришни эру-хотин ўртасидаги ўзаро муҳаббат ва меҳрибонлик сабаби ҳамда улар учун ором-осойишталик жой деб атаб яхши оилани Оллоҳнинг борлигига далил бўлган омиллардан бири деди. Бу билан Қуръони карим оила тузиш ва уни барқарор сақлашни нақадар муҳим эканлигини кўрсатди. Ҳадис шарифда оила қуришдан илгари ўз жуфтини яхшилаб танлашни таъкидлаб, ундан туғиладиган фарзандларнинг ҳам солиҳ-у қобил бўлишлари шунга боғлиқ эканлиги таъкидланган. Шунинг учун пайғамбар Муҳаммад Мустафо (Саллоллоҳу алайҳи вассалам) «Агар диёнатли ва ахлоқли киши сизнинг қизингизга талабгор бўлиб келса, унга узатинг. Агар шундай қилмасангиз ерингизда кенг фасод ва бузуқлик пайдо бўлур» деган (имом Бухорий ривояти). Бу ҳадиснинг мазмуни шунга далолат қиладики, фарзандлар вояга етгач, уларни уйлантириб жойлаштириш лозим, акс ҳолда фарзандларда ота-онага нисбатан ҳурматсизлик кайфияти пайдо бўлади ва у ахлоқсизлик йўлига кириб кетишларига сабаб бўлади.

Ушбу ҳадис шариф айни вақтда шунга далолат қиладики, оила қуришдаги муҳим асос — икки тарафнинг ахлоқли бўлишидир. Мусулмончиликнинг асоси иймон ва диёнат бўлгани учун ҳам бу талаб миллат ва қабилачиликдан устун туради; шариатда «оқсуяклилик» ва «тоза қонлилик» эмас, балки шахснинг диёнатлилиги ва ахлоқлилиги барча шахсий жиҳатлардан устун қилиб қўйилган.

Уйланиш, оила қуриш шариатда шундай аҳамиятлики, камбағаллик ва фақирлик ҳам унга тўсқинлик қилмаслиги керак. Имом Бухорийнинг ривоят қилишларича пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (Саллоллоҳу алайҳи вассалам) бир саҳоба ҳатто маҳр учун темир узук ҳам топа олмаганда унинг ёдлаган Қуръонини маҳр қилиб белгилаганлар.

Қуръони каримда уйланганлар агар камбағал бўлса Оллоҳ Таоло уларга келажакда ризқ-рўзини кенгайтиришини ваъда қилади. (24:32). Иккинчи халифа ҳазрат Умар ибн ал-Хаттоб бир вақт бир камбағал йигитни уйлантириб, бир неча йилдан сўнг унинг серфарзанд бўлиб ризқ-рўзи ҳам кенг бўлиб кетганини кўргач, Оллоҳнинг ваъдаси амалга ошганига шукр қилган эканлар.

Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (Саллоллоҳу алайҳи вассалам) ўз қизлари Фотимаи Заҳрони ҳазрат Али ибн Абу Толибга никоҳ қилиб берганларида ўша вақтда мусулмонларнинг иқтисодий аҳволи ва камбағаллигини ҳисобга олиб ўз қизларини камтарона ҳолда узатган эканлар. Бу ҳадислардан кўриниб турибдики, хоҳ уйланувчилар ва хоҳ уларнинг ота-оналари катта дабдабаларга берилиб, эл-юртда расм-русум бўлган харажатдан ошириб юбормасликлари айни муддаодир.

Пайғамбар ҳадисларида яна: «Ўзларингиздан пастдагиларга қараб иш қилинг, ўзларингиздан юқорига қараманг» деб амр қилинган. Бунинг мазмуни шуки ҳар бир киши ўзининг иқтисодий аҳволига қараб тўй қилиши керак. Чунки кераксиз ҳавою-ҳаваслар ошиб кетса, асосий вазифа бўлмиш уйланиш анъанасига путур етади.

Шариатнинг ҳукми бўйича бирон қишлоқда ёки бошқа жойда етимлар ўзининг қашшоқлиги ва уй-жойи йўқлиги сабабли уйлана олмаса, ўша қишлоқ аҳли ёрдам ва харажатини қилиб уни уйлантириб қўйиши керак, агар шундай қилмасалар барчалари гуноҳкор бўладилар ва ор-номусга қоладилар.

Лекин афсуски, асрлар давомида мавжуд бўлган бу улуғ анъана тобора унутилиб бормоқда.

Айрим жойларда тўй қилиб ўз ўғлини уйлантириш ва қизини узатаётган оилалар устига қўшимча харажатларни юклайдилар, халқимизга ёт бўлган айрим маросимларни қўшимча қилиб киритадилар. Натижада тўй қилган оилалар қарзга ботиб қолади ва болаларининг ризқини қийиб узоқ вақт қарзни узиш билан овора бўладилар.

Кўпинча тўй қилишдан илгари қишлоқдаги раҳбарлар ва обрўли кишилар учун алоҳида зиёфатлар ташкил қиладиларки, бу ҳам оилага қўшимча оғирлик бўлиб тушади. Тўйдан олдин қизлар тўйи деб зиёфатлар ташкил қилиш ҳам илгари йўқ эди. Ундан ташқари ортиқча ҳою ҳавасларни ҳам шариат ман қилади, пайғамбар ҳадисларида айтиладики «аёл кишининг баракалилиги унинг харажатининг озлигидадир» (имом Бухорий). Бу ҳадис айни тўй харажатлари ҳақида айтилган. Кўпинча шундай ҳоллар учраб турадики, куёв ёки келин, ота-онанг қимматбаҳо нарсалардан мебель ёки кийимликлар бермабди, деб нолиб янги рўзғорни совутишга ўтадилар. Ва ҳолбуки ҳадисларда айтилгандек янги оила қурган кишилар энг аввало Оллоҳдан тавфиқ ва соғ-саломатликни тилаши керак ва Оллоҳга дуо қилиб эру-хотин бўлмишларга узоқ умр ва яхши фарзандлар ато қилишини сўраса, бу Оллоҳга ҳам бандаларига ҳам ёқади, Оллоҳ саломат қилса кейинчалик улар барча мақсад-муддаоларига эришишлари турган гап. Юқоридаги оят яна шунга далолат қиладики, оила аҳиллик ва меҳр-муҳаббат ўчоғидир, ҳар бир киши оиласига келиб ҳордиқ чиқариши, истироҳат қилиши ва кўнглидаги ғам-ғуссадан ором топиши керак. Оиладаги болалар дўстлик ва аҳиллик руҳида тарбия топиши ва ахлоқ-одобга ўрганиши лозим. Лекин айрим ҳолларда шундай ҳам бўладики, тўйдан кейиноқ оилада арзимаган сабабдан жангу-жадал чиқа бошлайди. Бунга гоҳо келин ҳам ва гоҳо келиннинг қайнонаси ҳам сабаб бўлади. Бегона уйга келин бўлиб тушганга яхши муомала қилиш ўрнига унга ёмон муомала қила бошлайдилар. Бу асосан умумий маданиятлилик, аҳлоқ ва одоблиликнинг пастлиги сабабидан пайдо бўлади. Эру-хотин ўртасида жанжал бўлган жойдан қирқ кун барака кетади, деган донолар сўзини эру-хотинлар эсласалар кифоя.

Ҳазрат Расулуллоҳ (Саллоллоҳу алайҳи васаллам) ўз ҳадисларида «эркак киши оила таъминотчиси ва аёл киши хонадон ва оила бекаси ҳамда риоятчисидир» дейдилар. Демак, буни яхши тушуна борган оила аъзолари назарида меҳнат тақсимоти равшан бўлади-қўяди. Албатта, ҳозирги замондаги ҳаёт бунга янгича талаблар қўйган. Лекин, оилада бир-бирингизга юмшоқлик билан муомала қилинглар деб қилинган пайғамбар васияти асло ўз аҳамиятини йўқотмайди. Қайнона бўлмиш алайҳи вассаллам) ўз ҳадисларида улар келинларига ўз фарзандларидек меҳрибон бўлишларини шариат тақозо қилади. Келинлар эса ўз навбатида ўз қайнонаси ва қайнотасини ҳурмат қилиши лозим. Зулм ким тарафдан қилинмасин, барибир зулмдир ва унинг гуноҳи оғирдир. Шуни ҳам унутмаслик керакки, шариат барчани ўзаро меҳр-шафқат ва аҳилликка буюрар экан, барча тарафларни унга жалб қилади ва барчага тенг ҳамда баробар равишда мурожаат қилади. Оилада яхши тарбия топган кишининг жамиятда ҳам бошқалар билан биргаликда осон яшаб кетиши ва обрў қозониши осонлашади, у интизомли бўлади ва бошқаларни ҳурмат қила олади. Шунинг учун оилани дастлабки даврдан бошлаб мустаҳкамлашни ва уни ҳақиқий ахлоқ ва маданиятлилик ўчоғига айлантиришни шариат талаб қилади. Оила боқишни эркак бўйнига юклаш билан баробар, шариат аёлларни ҳалол касб ва ҳунар билан шуғулланишга чақирди ва шу билан баробар уларга эркаклар билан баробар ҳақ тўлашга буюрди ва аёлларга, агар хоҳласалар, ўз мулкларига эга бўлишни жорий қилди. Оилада эса аёлга ҳурмат билан қараш ҳақида саҳиҳ ҳадислар бор; Расулуллоҳ (с. а. в.) дедилар: «Сизларнинг яхшиларингиз, ўз аёлларига яхши бўлганларингиздир ва мен ўз аёлларим ҳузурида яхшидурман» (Термизий ривояти) ва яна: «аёлларни фақат олижаноб кишигина ҳурмат қилади» (Муслим), «Аёлларни ҳурмат қилинглар, чунки улар ёки сизларнинг оналарингиз, ё сингилларингиз ва қариндошларингиздирлар», «Аёллар эркакларнинг қонқардошларидир» (Термизий ривояти) чунки шариат эркаклар билан баробар аёлларга ҳам қилган эзгу ишларига савоб беради ва баъзи бир ибодатларни айрим вақтда уларга енгилроқ қилди. Оилада аёлларнинг оғирини енгил қилиш аввало эрларнинг, сўнг бошқаларнинг вазифасидир.

Афсуски, сўнгги даврларда кишиларнинг ахлоқий сифатларининг пасайиши сабабидан оилаларда эзгулик ва ўзаро ҳурмат-эҳтиром туйғулари пасайиб бормоқда. Айниқса, бу ҳол болалик аёлларга бўлган муносабатда кўпроқ аён бўлмоқда. Янги тузилган оиланинг мустаҳкам бўлиб кетиши учун қадим замонлардан бошлаб унга муқаддаслик руҳини беришга халқимиз одат қилган. Шунинг учун келин ва куёвга эзгу тилаклар билдириш ва улар ҳақига мазмундор дуолар ўқиш, уларга Оллоҳ ва пайғамбар номи билан никоҳ хутбасини ўқиш шу никоҳга муқаддаслик руҳини беради. Шариат ҳукми никоҳда гувоҳлар (шоҳидлар) ҳузурида қабулу-ийжоб маросимини бажариш, (яъни ҳар икки тараф бир-бирини жуфт ҳалолликка қабул қилдим деб айтиши) никоҳнинг асосий рукнларидандир. Маҳр масаласи ҳам шу вақт тилга олинса яхши, агар у тилга олинмай қолса ҳам барибир маҳр вожиб бўлади. Маҳрнинг ҳикмати шуки, у келинга эсдалик қилиб куёв тарафидан бериладиган ва бирон қимматга эга бўлган нарсадир (масалан тилло узук ёки сирға каби). Аммо «қалин» деб халқ ичида юритиладиган ва қизнинг эвазига унинг ота-онасига бериладиган пул ёки ашёларни шариат ман қилган. Чунки қалин исломдан олдинги қадимий туркий халқларнинг одатларидан бўлиб бирон бошқа қабиладан келин олганда унинг эвазига маълум миқдорда мол, ашё ёки чорва моллари берилган. Афсуски ҳозирги вақтимизда ҳам айрим жойларда ўз қизларини қалин ниқобида маълум миқдордаги пул эвазига сотиш одатлари йўқ эмас. Шу нарса қизиқки, келин бўлиб тушадиган қизлар ҳам ўзларининг нархлари юқори бўлганидан фахрланадилар. Бундай одатларни ислом шариати гуноҳ деб белгилаган ва ўз қизи учун қалин олган ота-оналар гуноҳини ҳадис шарифда порахўрлик гуноҳи билан баробар санаган. Бунинг сабаби шуки, ўз фарзандини пул эвазига сотиш одати Қуръон ва ҳадисга зид бўлиб жамият манфаатига ҳам тамоман қарама-қаршидир. Бунда кўп йигитлар ўз вақтида уйлана олмасдан қийналадилар ва қизлар узоқ вақт ўтириб қолади, уларнинг қимматли умрлари бекорга ўтади.

Кези келганда шуни ҳам айтайликки, ҳозирги пайтда кўпчилик ҳолларда ЗАГСдан чиққач, мачитларга никоҳ ўқитиш учун бориш одатлари бор. Бунда мачитга келган келинлар шаффоф ва юпқа кийимлар билан мусулмонлар олдида ўтириб, уларни ранжитадилар. Мачитга устларига қалинроқ кийим кийиб ёки миллий кийимда борсалар яхши бўлур эди ёки никоҳ ўқиш учун мачит имом хатибини ўз хонадонларига таклиф қилишлари мумкин.

Тўйдан кейин оилалар узоқ вақт қарздор бўлиб, емай-ичмай қарзни узишга пул йиғадилар. Натижада ёшларнинг турмуши бузилмоқда, оилада сержаҳллик ва асабийлик вужудга келмоқда. Бунга йўл қўймаслик учун ҳар ким ўз кўрпасига қараб оёқ узатиши ва тўйда дабдабаларга йўл қўймаслиги керак. Афсуски, аксинча кимдир янгидан-янги маросимларни ўйлаб топмоқда.

Тўйдан бурун қиз тўйи қилиш шулар жумласидандирки, бу ҳам оилага қўшимча оғирлик бўлиб тушмоқда. Айниқса келин тушириб борилган жойда саҳаргача зиёфат қилиб, унда келганларга ичкиликларни тортиш ҳам шундай оғирликлардандир. Бунинг натижасида тез-тез автомобиль фалокатлари рўй бериб, айрим ёшларимиз ҳаётдан жуда эрта кўз юммоқдалар. Шундай қилиб тўйлар гоҳо, барчага бахт келтириш ўрнига фалокатларга сабаб бўлмоқда. Бундай ичкилик базмларини тўхтатиш иши кенг жамоатчилик ва маҳаллий ҳукумат вакилларининг вазифасидир.

**Абдуғани АБДУЛЛО,**
**Тошкент вилояти бош имом хатиби.**

## МУРАККАБ КИНОЛАВҲАЛАР

Италиянинг «Интернейшнл синема компани» кинокампанияси ва «Самарқандфильм» киностудияси янги кўп серияли бадиий фильмни суратга олишга киришди. «Амир Темур» деб номланган бу тарихий экран асарида жангу жадалларни акс эттирувчи кўплаб лавҳалар мавжуд. Фильмни суратта олиш жараёнида ёнилғи ва портловчи моддалар тайёрлаш санъатидан ҳам кенг фойдаланилади. Ушбу мақсадда ёнилғи, парафин, ўсимлик ёғи каби маҳсулотларни сотиб олиш учун ўттиз минг сўм пул ажратилган. Ёнилғи ва портловчи моддалар тайёрлаш учун мутахассислар жалб қилинган. Бундай мураккаб кечадиган жараёнларни бошқариш ушбу соҳанинг етук вакили Ф. Тюменевга топширилган. У Тошкентда суратга олинган «Икки жангчи», «Александр Пархоменко» каби фильмларни яратишда ҳам фаол қатнашган эди.

**А. АЛИЕВ.**

## МУСТАҲКАМ ПОЛИМЕРЛАР

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш олийгоҳи физика куллиёти қошида тузилган «Пахтачилик лабораторияси» қатор самарали ишларни амалга оширмоқда. Яқинда у янги полимер яратишга эришди. Карбоксиметил целюлозанинг натрий тузи асосида ҳосил қилинган полимер лаборатория шароитида синовдан ўтди ва олийгоҳнинг ўқув-тажриба хўжалиги майдонларида қўлланилди. Янги полимердан фойдаланган «Союзхлопок» тажриба майдонларида ҳам изланишнинг ижобий томонлари намоён бўлди.

Поликомплекс плёнка иттифоқимиздаги қатор илмгоҳлар мутахассисларининг эътиборини ўзига тортди. Жумладан, Ленинграддаги физиология ва биокимё олийгоҳи олимлари янги тадқиқотни амалда қўллашга киришдилар.

**С. ОДИЛОВА.**

## ● Бугун—болаларни ҳимоя қилиш халқаро куни



### СЕРФАРЗАНДЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

Ҳар йили республикамизда болаларни ҳимоя қилиш халқаро куни кенг нишонланади. Бунинг боиси — ўзбек халқи азал-азалдан серфарзанд, болажон. Бола бор хонадонда ғийбат бўлмайди, деб бежиз айтишмаган донишмандлар. Ўзбеклар бир-бири билан ҳол-аҳвол сўрашганда ҳам гапни аввало бола-чақанинг саломатлигини суриштиришдан бошлайди. Шунинг учун ҳам республикамиз, жумладан вилоятимиз шаҳар, қишлоқларида Халқаро ушбу айёмга атрофлича ҳозирлик кўрилади, унга бағишланган турли маданий тадбирлар ўтказилади. Шундай тадбирлардан бири пойтахтдаги Навоий номидаги ўзбек давлат опера ва балет катта театрида ташкил этилди. Совет болалар жамғармаси Ўзбекистон жумҳурият бўлимаси ташаббуси билан кўп болали аёллар мазкур кошонага тўпланишди. Байрам концерт дастурида Ўзбекистоннинг турли бурчакларидан келган оилавий дасталар ҳам қатнашдилар.

Ушбу сурат ана шу тантаналардан олинган.

Сураткаш Ф. ҚУРБОНБОЕВ, (ЎзТАГ).

# САВОБ

Инсоннинг яшашидаги асосий мақсадларидан бири — зурриёт қолдириш. Ўз насл-насабининг давомчиларига эга бўлиш, жамиятимиз учун муносиб ўғил-қизлар тарбиялаб, вояга етказиш.

Рихсивой ҳам ниятига етди. Оила қурди. Ширин-шакар фарзандлар кўрди. Бироқ... беҳосдан юз берган фалокат туфайли хизмат жойида ҳаётдан кўз юмди...

Турдигул ишдан уйига келиши билан тўнғичи: «Эртага мактабга, ота-оналар мажлисига борар экансиз. Район раҳбарлари келишармиш», деди

Яқинда Оржоникидзе районидаги 10-ўрта мактабда бўлиб ўтган мажлисда район партия комитетининг котиби иштирок этди. Аёллар дардини тинглади. Мактаб ҳаёти билан боғлиқ камчилик ва муаммолар ҳақида батафсил суҳбатлашишди. Уларни бартараф этиш чоралари белгиланди.

Кутилмаганда район раҳбари икки фарзанди мазкур мактабда ўқиётган она — Турдигул Тошева номини тилга олди. Тўрт фарзандини ёлғиз ўзи қийинчиликлар билан катта қилаётган оддий бир фаррош аёл шаънига илиқ гаплар айтиб, моддий ёрдам сифатида минг сўм пул топширди.

Турдигулнинг юраги орзиқиб кетди. Миннатдорчилик билдириб, жойига қайтар экан, кўз ўнгида марҳум эри — Рихсивойнинг маъюс чеҳраси намоён бўлди. Гўё у оиласи ёрдамга муҳтож бўлиб қолганига ўзини айблаб, ўксинаётгандек туюлди Турдигулга.

Ҳа, инсон ўз қадр-қиммати билан улуғ. Бугун Турдигулни ва унинг фарзандларини қадрлаганларни эртага бошқалар эъзозлайди. Минг сўм пул аслида дарёдан томчи холос. Бир умрга етмайди, албатта. Лекин гап совғанинг миқдорида эмас, кишига бўлган эътиборда.

Ушбу маблағни Тошевлар оиласига Ўзбекистон болалар жамғармасининг Тошкент вилояти бўлими ажратди. Мазкур бўлим фақат етим-есир, муҳтож болаларга ёрдам берибгина қолмай, моддий жиҳатдан қийналган оилалар, ёлғизлар, ногиронларга ҳам мадад беради.

Биргина ўтган йилнинг ўзида бўлим аъзолари талай ишларни амалга оширди. Жумладан, Паркент районидаги кўп болали ва кам таъминланган оилалар учун 11 минг сўм, Оржоникидзе районига 6 минг 300 сўм, Тошкент районига эса 8 минг сўм миқдорида ёрдам пули берилди

Ўтган йили Бўстонлиқда юз берган табиий офат катта моддий зарар келтирди. Кўпгина мактабларни сел олиб кетди. Бундай фожиага болалар жамғармаси бефарқ қарамади. Зудлик билан Бўстонлиқ район халқ таълими бўлими ҳисобига 14 минг сўм ўтказди.

Вилоятимиздаги мактаб-интернатлар ҳам болалар жамғармаси аъзолари эътиборидан четда қолмайди. Тез-тез уларнинг ҳолидан хабар олиб туришади. Зарур бўлган анжомлар етказиб берилади.

— Жамғарманинг асосий қисми етим-есир ва ногирон болалар учун мўлжалланган,— дейди Ўзбекистон болалар жамғармаси Тошкент вилояти бўлимининг раиси Мунира Солиҳова.— Шу сабабли вилоятимиздаги турли болалар уйларида яшовчи касалмандларга Сочидаги Бутуниттифоқ «Бригантина» санаторийсида даволаниш учун 24 та йўлланма бердик.

Улар қишлоқда яшовчи оилаларни ҳам унутишгани йўқ. Табиийки, қишлоқ билан шаҳар шароити тубдан фарқ қилади. Чекка қишлоқларда яшовчи оилалардан махсус гуруҳ тузилиб, Болгарияга саёҳатга юбориш учун 7770 сўм маблағ ажратилди.

Маълумки, кейинги вақтда Иттифоқимизда оилавий болалар уйи ташкил қилишга жиддий эътибор берилмоқда. Бунинг афзал томонлари шундаки, бундай шароитда тарбияланган болалар ўзларини бир мунча эркин сезишади. Уй шароитига қўникишади. Қолаверса, давлат болалар уйларида 30—40 болага бир ёки икки тарбиячи бириктирилса оилавий болалар уйида эса икки киши — эр-хотин 10—15 болага ота-оналик қилади. Энг муҳими — ўз қалб-қўрлари, меҳрлари орқали гўдаклар юрагига йўл топиб, уларнинг маъюс дилларига далда берадилар.

Тошкент вилоятида оилавий болалар уйини ташкил этишда жамғарма бўлими аъзолари астойдил жонбозлик кўрсатишди. Вилоятда биринчи бўлиб Оҳангарон шаҳар ижроия қўмитасининг қарори билан шундай болалар уйи ташкил қилинди. Унга ота-она ва тарбиячи қилиб Дилбар ҳамда Маҳмуд Тожиевлар тасдиқланди. Бозор иқтисодиётига ўтишдаги мураккаб шароит ҳисобга олинган ҳолда улар ҳисобига жамғармадан 9 минг сўм пул ўтказилди. Бу албатта, ҳайрли ва ибратли ишдир.

Жамғарма аъзолари кейинги пайтда тез-тез учраб турган юқумли касалликлар ва болалар ўлимига қарши курашда ҳам фаоллик кўрсатишмоқда. Ўтган йили Ўрта Осиё тиббиёт педиатрия илмгоҳи билан тузилган шартномага асосан вилоятимиздаги олтита районга тажрибали шифокорлар қўшимча куч сифатида юборилди. Натижада оғир касаллик билан хасталанган 513 болага ва 197 нафар янги туғилган чақалоқларга тиббий ёрдам кўрсатилди. Бу ишларнинг харажатини вилоят бўлими ўз гарданига олиб, 47 минг 550 сўм ажратди.

Мунира Солиҳова билан бўлган суҳбатимиз чоғида у киши тилга олган ҳайрли ишлар, катта-катта рақамлар бир қарашда қувончли ҳолдек туюлсада, дилимнинг бир чеккасида ғашлик пайдо бўлди. Бу табиий, албатта. Мунира опа ҳам амалга ошираётган ишлари ҳақида қувониб гапирмаётгани шундоққина сезилиб турарди.

Шу топда қалбимни кемираётган армон ҳисси устун келди. Дилимдагини яширолмадим. Хайр — эҳсон — савоб иш. Бироқ, қанийди мана шундай хайр-садақага, ўзгалар шафқати, кўмагига муҳтожлар жамиятимизда бўлмаса. Қанийди Турдигул сингари ёлғиз аёллар, ота-онасидан бевақт жудо бўлган норасидалару меҳрсизлик оқибатида қаровсиз қолган қариялар сони камайса. Минг афсуски, ҳаёт биз истаганимиздан кўра мураккаб ва бешафқатроқ.

Р. УСМОНОВА.



### ЭГИЗАКЛАР ДЕБ БУНИ АЙТАДИ

30 ёшли Мари-Клод Адам француз аёллари орасида биринчи бўлиб ўзига хос жасорат кўрсата олган ягона аёлдир: у бир йўла 6 фарзанд онаси бўлди. Бу қувончли кунгача Мари Клоднинг бирорта ҳам фарзанди йўқ эди, энди эса биратўла кўп болали онага айланди қўйди.

1989 йилнинг 14 январь тунида соат 2 дан 50 минут ўтганда тўнғич фарзанд — Седрик (1,410 килограмм) дунёга келди. Шундан сўнг 2—3 дақиқа оралаб Гаель (1,490 килограмм), Корали (1,380 килограмм), Мелани (1,320 килограмм) Кевин (1.440 килограмм), Дориан (1.450 килограмм) туғилдилар. Чақалоқлар ва уларнинг онаси дарҳол шифокорларнинг қатъий назорати остига олинди. Орадан 2,5 йил вақт ўтгач ҳозир гўдаклар ўзларини жуда яхши ҳис қилмоқдалар. Албатта Даниэль ва Мари-Клод ташвишлари анча ортган. Бироқ эр-хотин буни ёқимли ташвишлар деб биладилар. Қолаверса Сен-Пьер-Лез-Эльбеф шаҳарчаси ҳукумати ҳам серфарзанд ёш оилани эътиборсиз қолдираётгани йўқ.

Суратда: Даниэль ва Мари-Клод Адам ўзларининг кўп сонли фарзандлари билан.

ТАСС фотохроникаси.

● *Ижтимоий масалалар бўлимида* ●

# ИНСОНИЙЛИКНИ УНУТГАН ЭР, ЁНАЁТГАН АЁЛ ВА ЖОВДИРАГАН КЎЗЛАР...

Кейинги пушаймон ўзингга душман дейдилар. Дарҳақиқат, бугун қора курсида ўтирган, ўзига нафрат билан тикилаётган кўзларга тик боқолмаётган 29 ёшли Шавкат Идрисов хаёлидан нималар кечмаяпти дейсиз? Эҳтимол кўз ўнгида ота-онасини қўмсаб йиғлаётган икки норасида гўдаги гавдаланаётгандир? Ёки бўлмаса Феруза билан бирга кечган ҳаётининг осуда кунларини эслаяптими? Ёҳуд «Ўғлимизни шу ҳолда кўргунча кўзларимиз ситилса бўлмасмиди?» — дея оҳ чекаётган ота-онасига ачинаётгандир. Нима бўлганда ҳам эндиги афсус ва надоматлар бефойда, ҳар қанча оҳ чеккани билан энди Феруза тирилиб келмайди...

...Баъзан кўча-куйда безатилган машиналарда келин-куёвларни кўрганда ҳар қандай киши ҳам бир ширин энтикади. «Илоё қўша-қаришсин, ували-жували бўлишсин», — дея дуо қиладилар уларни кексаларимиз.

Афсуски бугунги иқтисодий жиҳатдан анча мураккаб давримизда оилавий ажримлар шу қадар кўпайиб кетяптики, беихтиёр даҳшатга тушади киши... Арзимаган паст-баланд гап-сўзлар туфайли чиққан уруш-жанжаллар авж олиб ахир-оқибат оиланинг бузилишига, ўртада дили ўксик етим болалар сонининг кўпайишига сабаб бўляпти.

Феруза Фрунзе районидаги Идрисовлар хонадонига 1985 йили келин бўлиб тушган эди. Дастлабки йиллари турмуш ўртоғи Шавкат Идрисов билан тотув яшаётгандек, кунлар бир текисда осуда ўтаётгандек эди. Аста-секин Шавкатнинг «ҳунар»лари бошланди, уйга ичиб келадиган, бўлар-бўлмасга жанжал чиқариб хотинини ҳақоратлайдиган, ҳатто дўпослайдиган одат чиқарди. Бирин-кетин оилада икки фарзанднинг дунёга келиши ҳам эр-хотин ўртасидаги меҳр ипларини мустаҳкамлай олмади. Аксинча улар ўртасидаги муносабат борган сари кескинлашарди.

Ота-она ҳеч қачон ўз фарзандига ёмонлик истамайди. Лекин шундай ҳоллар бўладики, улар яхшилик деб ёмонлик қилаётганликларини ўзлари билмайдилар. Ўғилларини қора курсида ўтирганини кўрган ота-онанинг хаёлига ҳам шундай фикрлар келаётган бўлса ажаб эмас. Чунки Шавкат Ферузага уйланмасдан аввал ота-онаси Тешавой ака Зоитов ва Фагиля Идрисоваларга бир неча бор ўзининг юрадиган қизи борлигини, ундан бошқага уйланмаслигини айтган эди. Лекин улар ўғилларининг «юрган» қизига уйланишини хоҳламадилар ва уни Ферузага уйланишга кўндирган эдилар.

Шу боисдан ҳам ҳар сафар ичиб келиб ўша қизнинг расмини қўлига олволиб «Сени ота-онам мажбурлаб олиб беришган», — дея жанжални бошларди. Охир-оқибатда бундай тўполондан сўнг Ферузани дўппослар, хўрлаб беҳаё сўзлар билан ҳақоратлар эди.

Бечора онаизор! Қизининг бўйига бўй қўшилган сари қувонган, кеча-ю-кундуз унинг бахтини тилаган Ферузанинг онаси Махсума опа Каримованинг суддаги ҳолатини тасвирлашга ожизмиз.

— Мен фақат ўзимни кечира олмайман, — дейди у. — Қизим эридан шикоят қилиб келса «Болам, қайси эр урмабди, сўкмабди, — дея унга далда берардим. Ана шундай жанжаллар туфайли аразлаб келганида куёвим келиб кечирим сўради, кечирдим. Бир марта ўзим олиб бориб қўйиб келдим. Қизим бечора: «Ойижон, ахир хўрликнинг ҳам чегараси бор, сен кет, мен ўзим

## Суд ҳукмидан сўнг

яхши кўрадиган қизга уйланаман», — дейдилар. Нуқул бошимга урадилар», — дер эди. Ҳамма ёғи мўматалоқ бўлиб келганда ҳам «— Болаларинг бор, уларни тирик етим қиласанми», деб қайтариб юборибман, мен нодон. Агар шундай бўлишини билганимда... Она ортиқ гапиролмади.

Дарҳақиқат, ҳар қандай хўрликнинг ҳам, сабр-бардошнинг ҳам чегараси бор. Уларнинг жанжаллари, Шавкатнинг хурмача қилиқлари айниқса ўтган йилнинг октябрь, ноябрь ойларида кўпайиб кетди.

10 ноябрь куни улар орасида энг охирги жанжал бўлади. Шавкат Ферузани ҳақоратлайди, уриб-сўкиб, қаттиқ тепади. Бир неча соат давом этган қийноқлар, тепкилар зарбидан бечора аёл қора қонга беланади. Шунда ҳам у «Шавкат ака, урманг, жуда қийналиб кетдим», — дея ёлворади. Одам қиёфасидаги ваҳшийга эса бу илтижолар кор ҳам қилмайди. Ғурури, аёллиги, ҳаёти оёқ ости бўлган Феруза эса «Яшашдан тўйдим, ўзимни ўлдираман», — дейди. Шундай дейди-ю, эридан бир оғиз илиқ сўз «Ундай қилма», — деган гапни кутади. Афсус унинг сўнгги илинжи ҳам йўқолди. «Жуда яхши бўлади» — деган жавобни олгач энди унинг учун яшашнинг ҳам қизиғи қолмагандек туюлди. Шу куни тунда ҳовлига чиқиб, устидан бензин қуяди-ю, ўзини ёқиб юборади. Гўё аланга билан бирга унинг орзу-умидлари, армонлари, ҳаётга, инсонларга ишонч-у, муҳаббати ҳам бирга ёнар эди. Ферузанинг жон аччиғида бақирган овозини эшитган эри, қайнота-қайнона, қўни-қўшнилар даҳшатли манзаранинг гувоҳи бўлдилар.

Оғир тан жароҳати олган Ферузани касалхонага олиб бордилар. Қаттиқ оғриқ ва азоблар билан уч кундан сўнг у вафот этди.

Феруза ҳали жуда ёш эди. У ҳам тенгдошлари, дугоналари каби яшашга, ўйнаб-кулиб, фарзандлар тарбиялаб, улар камолини кўришга ҳақли эди. Афсуски энди бунинг иложи йўқ. Эри эса тўрт йилга озодликдан маҳрум этилди.

Ҳукм ўқилар экан турли-туман фикрлар чарх уради хаёлингизда. Бу иш кўрилаётган пайтда гувоҳлик берган бир қатор қўни-қўшнилар, уларни яқиндан билганларнинг таъкидлашларича Ш. Идрисов хотинини доимий равишда хўрлаб уриб келган. Ф. Идрисова қатнайдиган 12-туғуруқхона шифокори Р. Жабборова эса у фарзандларига ҳомиладорлик даврида аёллар консультацияларига жуда қийинчилик билан келиши, бунга уйдагилар рухсат бермасликларини айтди. Унинг соғлиғидан хабар олиш учун уйига борганимда ҳам «Феруза уйда йўқ», — деган жавобни олардим, — деди у.

Шундай экан, қани энди одамгарчилик-у, инсоф ва диёнат? Ахир бир инсоннинг шунчалик қийноғу хўрликларга ёлғиз ўзини ташлаб қўйиш адолатданми?

Кўз ўнгиларида бир оила кундан-кунга нураб бораётганини, яшашга ҳақли бир инсон азобу қийноқларга дучор бўлаётганлигини кўриб турганлари ҳолда нима учун маҳалла-кўй, қариндош-уруғлар бир чеккада, томошабин бўлиб туришди. Агар улар ўша вақтда Шавкатга панд-насиҳатлар қилиб, уни бу йўлдан қайтарганларида у бугун қора курсида ўтирмас, икки фарзанд ота-онадан айрилиб етим бўлиб қолмасмиди? Белгиланган жазо муддати ўтар, у уйига қайтар, фарзандлар улғаяр, шунда уларнинг кўзига қандай қараркин? «Онамиз нега ўлган?» — деган саволларига нима деб жавоб бераркин?

Хаёлда шундай саволлар... кўз ўнгимизда эса инсонийлигини унутган эр... ёнаётган аёл... ва бизда не гуноҳ, — дея жовдираб термулган гўдаклар...

**Р. ИБРОҲИМОВ,**
**З. ЖЎРАЕВА.**

● *Сиз нима дейсиз?*

# НИГОҲИНГНИ ЯШИРМА МЕНДАН...

— Ураверади, сўкаверади Одам ўрнида кўрмайди. Нима қилай, оиламда икки нафар болам бор. Қачонгача чидайман бу кўргуликларга Айтинг кимга арз қилай? — жиққа ёшга тўлган нигоҳини яширолмаган ёшгина жувон мендан жавоб кутяпти.

Уларнинг оиласидаги нотинчлик ва норозиликлардан кўпдан буён хабарим бўлганига қарамай, шу дамда келинчакка раҳмим келди. Олдин ҳам бир-икки яхши насиҳатлар қилиб сал ҳовридан туширганим сабабли яна олдимга келган Ўрингулга бу гал ҳеч нарса дегим келмади. Ахир бу ёш эмас, йигирма етти ёшда, наҳотки, буларнинг араз-аламларининг чегараси кўринмаса?! Шунча қилинган насиҳатларнинг фойдаси бўлмаса нима қилиш керак? Бор, судга ариза бер десанг, ўртада икки бегуноҳ гўдак.

У билан узоқ суҳбатлашиб, айб эрида эмас, балки ўзида эканлигини англадим. Берган учта саволимдан бирортасига қониқарли жавоб беролмаган бу аёл ҳаётнинг машаққатли, синовли ва тасодифларга тўла йўлларидан қоқилмай-суринмай ўта олишига сиз ҳам ишонмайсиз. Мана, ўша савол. ва жавоблар.

— Ўрингул, ҳали ёшсиз Қани айтинг-чи, сўнгги пайтда қайси бадиий китоб ёки «Саодат»нинг бирор сонини, ҳеч бўлмаганда рўзномаларнинг қайси кунидагисини ўқигансиз? Умуман газета, журналлар ўқиб турасизми?

— Йўқ. Ҳеч нарса ўқиганим йўқ. Вақтим ҳам йўқроқ, қолаверса, ўқиш-ёзиш деган нарсаларга тоқатим йўқ. Ўнинчини зўрға битирганман.

— Унда нимага ихлос қўйгансиз? Масалан, тикиш, бичиш, қўшиқ айтиш, бирор мусиқа асбобида чалишни, ҳеч бўлмаганда пазандаликни тўла эгаллаб олганмисиз?

— Ихлос деганингизнинг маъносини тушунмайман. Тикиш-бичишга ҳам, пазандаликка ҳам қизиқмайман-да. Кечқурун битта овқатни зўрға эпга келтираман. Энди, мусиқага келсак. Ўзим чололмайман ҳам, қўшиқ айтишни билмайман. Умуман уриниб кўрмаганман.

— Ўрингул, ҳар бир одамнинг ишдан ташқари бўш вақти бўлади. Ҳеч бўлмаганда бир, икки соат дегандай... Сиз бўш вақтингизни қандай ўтказасиз?

— Мен ҳозир ёш болам билан бир уйда ўтирибман Бўш вақтим бўлса телевизор кўраман. Магазинларга чиқиб айланиб келаман. Тез-тез ойимникига бораман. Ундан сўнг, шу... магнитофон эшитаман.

Оддий саволларга унинг қийналиб жавоб беришини кўриб олдин бир қадар ачинган бўлсам, жавобларини эшитиб эса чинакамига афсусландим.

Дунёга келиб эсини таниган ҳар бир инсон бахтли яшашга талабгор. Унинг бу чанқоғини ҳеч нарса ўзгартиролмайди. Яшаяптими, бахтга талабгор. Бахт эса Ўрингул каби қизлар ва жувонлардан юз марталаб юз ўгиради, дейман алам билан. Уларнинг ҳаёти изтироб ва жанжаллар билан ўтиб кетяпти. На кийишда, на ейишда, на обрўда, на бир даврада эътибор тополмай кетади. Умр эса фурсат кутиб турмайди. Дақиқаларга бўлиниб ўтаверади, ўтаверади. Менинг саволларимга ҳеч бўлмаганда қуйидагича жавоб берганида эди Ўрингул оиласидаги можароларнинг гуноҳкори дея ўзгаларни кўрсатар эдим.

— Тикишга ва пазандаликка қизиқаман. Ўзимнинг ва сингилларимнинг кўйлакларини тика оламан. Ҳар турли таомлар пишириб эримнинг кўнглини олишга, меҳмонларни хурсанд қилишга қизиқаман Бирор қўшиқ айтишни, бирор юмушни бажараётганимда хиргойи қилишни яхши кўраман. Ғазал ўқишга, ҳазил-мутойибага ўчман.

— Бўш вақтларимда китоб, журнал ўқийман. Ёзда ҳовлини гулларга тўлғазаман «Ўзбек миллий таомлари» китобидан тансиқ овқатларни пиширшни ўрганаман. Яқинда «Мода» журналидан чиройли кўйлакнинг андазасини олдим.

Начора, Ўрингулга эмас, маънавий дунёсида «йилт» этган бир ёруғлик бўлмаган АЁЛ билан яшаётган эркакка ростакамига раҳмим келди. Ваҳоланки, бугунги ҳаётимиз хотин-қизлардан нарибери овқат пиширишу, уй супуриш, бола туғишу, телевизор кўриш, давлат ишига бориб келишу, қўни-қўшни билан соатлаб гап сотиб ўтиришни талаб этмаётир. Турмушимизнинг ҳар бир кунини маъноли ва бетакрор ўтказишимиз, умримизнинг ҳар бир дақиқасига мазмун бермоқ учун аёлларимиз аввало билимдон, қизиқувчан, тиришқоқ, чаққон ва пазанда бўлиши билан бирга меҳрибон ва сўзамол бўлиши ҳам керак. Сўзларнинг маъно ва мазмунига эътибор қилиб гапиришни, жиддийлик ва ҳазилнинг ўрнини топа билган одам ҳеч хор бўлиб кетмайди. Табиатимиздаги айниқса, аёллар ва бахтга талабгор қизларимизнинг лоқайдлиги, фаросатсизлиги, бепарволилигини асло кечириб бўлмайди. Оқила, тадбиркор, ҳушёр ва озода аёллар ҳамиша юксак қадрланиб келган ҳамма жойда. Инсон табиатидаги кўзга кўринмас, бироқ ранго-ранг хислатлар одамни безаб дилга яқин этиши ҳам аксинча, хунук, совуқ кўрсатиб қўйиши ҳам бор. Аёл боласини аллалашни билмоғи шартдай, турмуш ўртоғининг кайфиятига қараб муомала қилиши, шунингдек, ўзининг маънавий дунёсининг бойлиги билан кези келганда мафтун эта билиши керак.

Аёл бахтга талабгор экан, аввало ўзганинг ҳам шу нарсага зор эканлигини англаб турмоғи даркор. Бўлмаса, юракдаги ишонч, севги-муҳаббатнинг, вафонинг майин, ёқимли саси акс-садо бериб ҳаётни жилвалантирмайди Муҳаббатнинг ёниқ қўшиғи йўқлик ва бўшликлар аро изсиз йўқолади. Турмуш эса файзсиз, аламзада, сўник ва зерикарли бўлиб қолади. Бундай турмушда кун кўришни эса эси бор одам инкор этаверади. Бу қора кунлардан безган аёл ўзини ўтдан ҳам, сувдан ҳам аямайди. Паймонаси тўлиб, ҳаётни қарғаб ўтади.

Ҳа, яшаш осон эмас, биз ўйлаганимиздек. Бироқ, кейин ҳам эмас эплаб бўлмас даражада. Кўкдаги ой ва юлдузлар зимистон туннинг бағрини тилка пора қилиб, қалбимизга шуур, завқ бахшида этганидек. АЁЛнинг ҳислатлари табиийлиги, самимийлиги ва покизалиги билан дилларни хушнуд этсагина бахт кошонасидан жой талашса арзийди.

Мен Ўрингулни мисол келтирганим учун узр сўрайман Балки, мен топган жавоблар Ўрингуллар учун қизиғи йўқдир. Бироқ, на илож. Қадимий анъаналаримиз турмушимизга кириб келаётган, инсонга бўлган эътибор кучаяётган, эзгу ниятлар камол топаётган ва инсон бахтни эмас бахт инсонни қидираётган бугунги кунимизда АЁЛ ҳеч бўлмаганида бешта қирраси билан ҳаётни безамоғи даркор. Меҳрибонлиги, Билимдонлиги, Самимийлиги, Сўзамоллиги ва Меҳнатсеварлиги билан. АЁЛдан бошқа нарса сўрамайлик бу сафар Энди ҳар бир аёл ёки қиз ўзига ўзи баҳо берсин. Ҳаётдан бахт сўрашга ҳаққи бормикин ёки... Ўрингулга ўхшаб калтак еб куйиб ўтишга маҳкуммикин.

Кўзи ёшли, дили вайрон АЁЛни четлаб ўтгим келмади. Сиз ҳам ўзингиздаги лоқайдликдан, бахилликдан, чақимчилигингиздан, дангасаликдан ва бемеҳрликдан қачон қутуласиз? Ана шундагина ёшли кўзларингизда бахт порлайди, ана шундагина қалбингиз баҳор тонгидай мусаффо, мафтункор бўлади. Бу эса фақат ЎЗИНГИЗГАГИНА ҳа, фақат ЎЗИНГИЗГАГИНА боғлиқ бўлган томонлар, азиз аёллар! Аёлнинг кўзлари ерга қадалдими, демак у нимадандир норози. Нигоҳида безовталик борми, у қайсидир қадамидан афсусда. Сизга қарай олмаяптими, турмушининг файзи йўқ. Аёлнинг кўзларига қараб ҳаётнинг энг диловар онларининг умри узайганига ишонайлик. Бахт порлаётган нигоҳлардан завқ, илҳом олайлик, эртанги кунимизга талпинайлик. Аёлнинг қувончидан дунё кулаётганлигини унутмайлик, у шод экан оламда оқибат, меҳр, инсоф, диёнат, бахтнинг нурлари янада тиниқлашаверади.

**А. ХУДОЙҚУЛОВА.**

# ҚИЗЛАР МУШОИРАСИ

Чирчиқ шаҳрида ўзбек миллати вакиллари 11 фоизни ташкил этади. Лекин шунга қарамай ўзбек халқи миллий анъаналари, урф-одатларига эътибор жуда катта. Қадимий байрамлар бу ерда турли миллат вакиллари иштирокида яна ҳам гўзал нишонланади. Мавжуд бўлган ўзбек тили мактабларида халқимиз анъаналари, ўзбек адабиёти классикаси, қадимий мусиқий ижодиёти яхши ўргатилмоқда.

Яқинда Чирчиқ шаҳар кимёгарлар маданият саройида бўлиб ўтган Навоий таваллудининг 550 йиллигига бағишланган «Иқбол» мушоира кўригида иштирок этган қизларнинг чиқишлари гапимизнинг асоси бўлиши мумкин. Шаҳар комсомол қўмитаси ташаббуси билан ўтказилган бу кўрикда қизлар классик адабиётимиз асосчиси Навоий ижодидан намуналар ёд айтишди, миллий таомлар тайёрлаш бўйича билганларини йиғилганларга намойиш этишди.

Кўрикда ғолиб чиққан Н. Мўминова, Н. Ихлосова ва М. Эшметовалар Чирчиқ шаҳар комсомол қўмитаси томонидан кир ювиш машинаси ва шолча билан мукофотландилар. Шунингдек, мушоира-кўрикда иштирок этган бошқа қизлар ҳам комсомол қўмитасининг эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Кўрикда Чирчиқ шаҳар кашшофлар уйи қатнашчилари фаол иштирок этиб, йиғилганларга турли миллат халқлари қўшиқ ва рақсларини ижро этишди. Кўрик ёш авлод ўртасида дўстлик, бошқа халқлар анъаналари ва ижодига меҳр-муҳаббат туйғуларини кучайтиришга хизмат қилади.

Г. ҚОБИЛОВА.

# ТАБИАТНИНГ ЎЗИ ТАБИБ

**● ОНА ТАБИАТИМИЗ қандай саҳий ва мўъжизакор! Хусусан бизнинг ўлкамизда табиий ҳамда маданий ҳолда ўсадиган ўсимликлар беҳисоб. Ҳосиятли, шифобахш, хуштаъм ноз-неъматлар ҳар қадамда учрайди. Лекин кўпинча биз уларга унчалик эътибор беравермаймиз...**

**Мана, шу кунларда бозорга тушинг. Пештахталарда сотилаётган, тоғора-тоғора келтирилаётган қулупнайларни кўриб, завқингиз ошади... Бироқ уларнинг олдидан бефарқ, лоқайд ўтиб кетасиз. Нега?!**

ҚУЛУПНАЙ



— Бундай қилишимизнинг боиси, — деди Абдусалом Қодиров куни кеча бозорда учрашиб қолганимизда, — биз қулупнайнинг «каромат»ларини яхши билмаганлигимиздан. Ваҳоланки, бу мевадан халқ табобатида қадим замонлардан буён кенг фойдаланиб келинган.

**— «Каромат»ларини гапириб берсангиз!**

— Қулупнай камқонликда, паришонхотирликда, қон босими ошганда, ниқриз хасталикларини даволашда тавсия этилади. Зотан унинг таркибида турли хил дармондорилар, темир, фосфор, кальций сингари моддалар, ошловчи ишқорлар анчагина. Қовуқдаги тошни майдалаш, буйрак ва ўт пуфагидаги қумларни нуратиш хусусияти бор.

**— Яна!**

— Унинг баргидан тайёрланган қайнатма «сассиқ кекирдак»ни дарҳол қолдиради. Бунинг учун бир ош қошиқ миқдордаги қулупнай баргининг уқаланмаси 200 грамм сувда 20 дақиқа қайнатилади. Қайнатма сузиб қўйилади ва совутилади. У билан ғарғара қилиб турилса, бас.

Бундан ташқари қулупнай рахит, сариқ касали, бавосилда ҳам катта фойда беради. У маромида пешоб ҳайдаш «қобилияти»га эга. Унинг мевасини эзиб, терига суртилса, экземани қолдиради. Қулупнайдан кўпроқ еб, устидан шўр балиқ ва пиёз истеъмол қилинса, гижжани ҳайдаши мумкин.

**— Яна бир «каромати» қолди... Шакар ҳамда сут билан аралаштириб, қайнатилса, ва болаларга берилса, ёш баданнинг бардам ва бўлиқ ўсишига кўмаклашади.**

— Балли! Жуда тўғри гап.

СЕЛДИР



**— Қулупнай бозоридан кўкатлар ёйиб қўйилган томонга ўтдик, дейлик. Резаворларнинг хили кўп. Сиз биринчи навбатда қайси кўкатни олардингиз!**

— Селдирни...

**— Нега!**

— Бунинг боиси бор-да. Селдир ўзининг шифобахшлиги ва инсон жисмини қувватлантирувчилиги билан бошқа резаворлардан кескин фарқ қилади. Халқ табобатида бу кўкатдан асабни тинчлантирувчи, лавша, яллиғланишга қарши фойдаланиб келинган. Пешобни ҳам яхшигина ҳайдайди. Шу билан бир қаторда унинг илдизи ва баргидан тайёрланган дамлама иштаҳани «карнай» қилиб юборади. Еган овқатингизни дарҳол ҳазм этиб ташлайди. Қорин дам бўлганда-ку, ундан яхши даво йўқ. Унинг дамламаси билан темиратки тушган ёҳуд эшак еми тошган жойлар ювилса, дарҳол жонингиз ором олади қолади...

**— Селдирни ўстириш қийинми!**

— Жумҳуриятимизнинг аксарият вилоятларида — суғориладиган майдонларда, кўл, жилға, ариқ, дарё бўйларида, захкаш далаларда селдир табиий равишда учрайди. Хонадонларда ва хўжаликларда эса бемалол «қўл бола» селдирни етиштириш мумкин. У ҳийлагина беор ўсимлик бўлганлиги туфайли тез ривож олади ва мўл ҳосил беради.

**— Раҳмат. Бугунга етар. Келаси сафар бошқа гиёҳлар ҳақида сўзлашамиз.**

— Маъқул...

Суҳбатдош Р. УМАРОВ.

# ИБН СИНО номли даволаш маскани

Жумҳуриятимизда кейинги пайтларда илмий даволаш муассасалари кўпайиб бормоқда. Яқинда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан яна бир даволаш маскани очилди. Абу Али ибн Сино номи билан юритилувчи бу бирлашма Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли травмотология ва ортопедия илмий тадқиқот олийгоҳи шифохонаси қошида ташкил этилди.

Хўжалик ҳисобидаги мазкур бирлашма эски халқ табобатида ишлатилиб келган шифобахш ўсимликларни экологик тоза ҳолда қайта тайёрлаш, улардан дори сифатида фойдаланишнинг янги усулларини ишлаб чиқади. Дастлабки пайтларда бирлашма доривор ўсимликларни йиғиш, тайёрлаш, қадоқлаш ва савдога чиқариш билан машғул. Бу ерда нур билан, мўмиё, асал, «тоза асал», «аппилак», «асалари сути», «баргишун» каби дорилар билан, ҳўл мевалар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан беморларни даволаш ишлари олиб борилади. Бирлашма ташкилий ва даволаш ишларидан ташқари ёш авлодга, талабаларга, халқ табобати вакилларига соғломлаштириш услублари тўғрисида ўқитади, ўргатади. Шунингдек, у ўқув китоблари, қўлланмалар ва рисолалар чоп этади

Даволаш бирлашмаси даволаш ва соғломлаштириш ишларидаги ютуқларини мамлакатимизнинг бошқа жумҳуриятлари, чет эллардаги ҳамкасблар билан баҳам кўришни режалаштирган. Талабаларни ўқитиш махсус дастур асосида олиб борилади. Дастлабки ўқиш XVIII аср ёзувчиси ва файласуфи Е. П. Блаватский ҳақидаги таълимот, шифобахш ўсимликларни тайёрлаш, биоқувват билан даволаш, биолокация ва бошқа услублар билан боғланган.

Т. ҲАСАНОВ,
тиббиёт фанлари номзоди.

# ХАТЛАРДАН САТРЛАР

● Алишер Навоий номли жамоа хўжалигининг кўчаларида асфальтлаш ишлари бошлаб юборилди. Уни 15-механизациялашган кўчма колонна меҳнат жамоаси олиб бормоқда.

Ҳ. ОТАҚУЛОВ,
Бекобод райони.

● Яқинда бир гуруҳ Ватан уруши қатнашчилари Бўстонлиқ районидаги Чорвоқ сув омборининг сўлим оромгоҳларига бориб ҳордиқ чиқариб келдик. Бу ерлар биз қарияларга жуда ёқди.

И. СУЛТОНОВ,
Калинин райони.

● Ленин номли қишлоқ Кенгаши клубида яқинда «Қувноқлар ва зукколар» беллашуви бўлиб ўтди. Унда райондаги 12-мактабнинг «Томоша» ва 34-мактабнинг «Қизил шунқорлар» командалари ўзаро мусобақалашдилар. Қизиқарли ўтган бу баҳсда «Қизил шунқорлар» ғолиб чиқди.

Т. ТЎҚЛИБОЕВ,
Чиноз райони.

Муҳаррир
Н. НАСИМОВ.

## ФАҚАТ БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАРДАН СУҒУРТА ШАРТНОМАСИ ТУЗГАН КИШИЛАРГИНА ДАВЛАТ СУҒУРТАСИ ЁРДАМИГА УМИД БОҒЛАШИ МУМКИН!



Унча катта бўлмаган суғурта бадаллари сизнинг молиявий аҳволингизга таъсир етказмайди, аммо суғурта ҳодисаси (майибланиш, жароҳатланиш, суяк чиқиши ва синиши, куйиш, электр токи уриши ва ҳоказолар) рўй берган пайтда моддий ёрдам олишингизга имкон яратади.

БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАРДАН СУҒУРТА ШАРТНОМАСИ 16 ДАН 75 ЁШГАЧА БЎЛГАН ФУҚАРОЛАР БИЛАН 1 ЙИЛДАН 5 ЙИЛГАЧА МУДДАТГА ТУЗИЛАДИ.

**Суғурта пули суғурта қилдирувчи билан Давлат суғуртаси инспекцияси ўртасидаги келишувга мувофиқ белгиланади ва унинг ҳажми 500 сўмдан кам бўлмаслиги шарт.**

ТУЗИЛГАН ШАРТНОМА БЎЙИЧА ТЎЛАНАДИГАН БАДАЛ ҲАҚИ ҲАР 100 СЎМ СУҒУРТА ПУЛИГА ҚИЁСАН ҚУЙИДАГИ МИҚДОРНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ:

**— хизматчилар, ўқувчилар, уй бекалари учун 25 тийин;**

**— колхозчилар, асосий кўпчилик касбдаги ишчилар учун 50 тийин;**

**— автотранспорт ҳайдовчилари учун 80 тийин;**

**— ўта хавфли ишларда банд бўлган ходимлар учун 1 сўм 20 тийин.**

СУҒУРТА ШАРТНОМАСИ 3 ЙИЛ ВА УНДАН ОРТИҚ МУДДАТГА ТУЗИЛГАН ПАЙТДА БАДАЛ ҲАҚИДАН 5 ДАН 15 ФОИЗГАЧА ЧЕГИРИБ ТАШЛАШ ИМКОНИЯТИ БЕРИЛАДИ.

Шартнома шартлари билан муфассал танишиш ва шартнома тузиш учун сиз Давлат суғуртаси инспекцияси ёки ўзингиз ишлаб турган ташкилот, муассасага хизмат кўрсатаётган суғурта агентига мурожаат қилишингиз мумкин.

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ДАВЛАТ СУҒУРТАСИ БОШҚАРМАСИ.**
**«ЭРА» ЖУМҲУРИЯТ ТАЖРИБА ТИЖОРАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ АГЕНТЛИГИ.**

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Буюртма — 5336. Индекс: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 19.30 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12